

## **2-Мавзу: ЕТЛАТни яратишнинг асосий тамойиллари (10 соат)**

### **Режа:**

- 1. Географик ва ер ахборот тизимлари. Ер тузиш ва ишларида улардан фойдаланиш.**
- 2. Дастур ва жиҳозлар таъминоти воситалари классификацияси**
- 3. Ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлашган тизимларини яратишнинг концептуал асослари ва тамойиллари**

**2-Мавзу.1-маъруза:**  
**мавзу:Географик ва ер ахборот**  
**тизимлари**

**Режа:**

- 1. Географик ва ер ахборот тизимлари**
- 2. Ер тузиш ва ер кадастри ишларида**  
**улардан фойдаланиш.**

# МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 15 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот кўргазмали маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. Ақлий ҳужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади Жалб қилувчи саволлар берилади. 2.2. Мавзу режаларига хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади. 2.3. Тезкор сўров ўтказилади.	Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

# МАЪРУЗАНИ ЎТИШ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ

Талабалар сони 114	2-мавзу. 1-маъруза. 2 соат
Маъруза режаси	Маъруза-ахборот
Маъруза режаси	1. Географик ахборот тизимлари ва .Ер ахборот тизимлари. 2. Улардан ер тузиш ва ер кадастри ишларида фойдаланиш.
<p><b>Ўқув машғулот мақсади: ГАТ ва ЕАТ, Ер тузишда улардан фойдаланиш тўғрисида фикрларни шакллантириш</b></p>	
<p><u>Педагогик вазиятлар</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Географик ахборот тизимлари ва Ер ахборот тизимлари тўғрисида тушунчани беради</li> <li>- Улардан ер тузиш ва ер кадастри ишларида фойдаланиш тўғрисида тушунчани беради</li> </ul>	<p><u>Ўқув фаолияти натижалари</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Географик ахборот тизимлари ва Ер ахборот тизимлари тўғрисида тасавурга эга бўлади</li> <li>- Улардан ер тузиш ва ер кадастри ишларида фойдаланиш тўғрисида тасавурга эга бўлади</li> </ul>
Таълим усуллари	Намойиш, ақлий хужум, блиц-сўров
Таълимни шакллантириш шакли	жамоавий
Таълим воситалари	Компьютер (проектор) слайдлар
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
Мониторинг ва баҳолаш	Тезкор сўров

# Фан мавзуларини ўзлаштириш бўйича тавсия қилинаётган адабиётлар

## Асосий адабиётлар:

1. Andreas C. Land Information systems. Germany, 2016
2. С.Авезбаев. Ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлашган тизимлари. Дарслик – Тошкент: ТИМИ, 2008. – 135 б.
3. S. Avezbayev. Yer tuzishni loyihalashning avtomatlashgan tizimlari. T.:TIMI, 2010-168 b.
4. С.Н.Волков. Землеустройство. Системы автоматизированного проектирования в землеустройстве. Том 6. - М.: “Колос”, 2002. – 450 б.

## Қўшимча адабиётлар:

5. С.Н.Волков. Землеустройство. Экономико-математические методы и модели. Том-4 – М.: “Колос”.

## Интернет ва зиёнет сайтлари:

1. [http:// www. Tsure. ru/](http://www.Tsure.ru/);
2. <http:// www, guz. Ru/>
3. [http://www, Ziyonet. Uz/.](http://www, Ziyonet. Uz/)

## **МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН САВОЛЛАР?**

1. ЕТЛАТни яратишда биринчи навбатда нималарга боғлиқ ?
2. Дастурий махсулотлар бир биридан нимаси билан фарқ қилади?
3. Турли хил инструментал тўпламлардан (пакетлар) фойдаланмайдиган дастурий махсулотлар гуруҳи нечта даражага бўлинади?
4. ЕТЛАТни яратиш қандай масалаларни ечишни тақоза этади?

## Дастурий маҳсулот тушунчаси

Дастурий маҳсулотлар қўйилган вазифаларни тўла бажаришга мўлжалланган мажмуалар бўлиб, саноат маҳсулоти тарзида етказиб берилади. ЕТЛАТ да фойдаланиладиган дастурий маҳсулотлар бозорининг ҳозирги таҳлили шуни кўрсатадики, улар ўзларининг бажарадиган вазифалари, қуввати, сервис хизматлари, ишончилиги ва уларга киритиладиган концептуал ечимлари билан бир-бирларидан фарқ қилади.

Ер тузиш масалаларини ечишда қўлланиладиган дастурий маҳсулотларни (ДМ) шартли равишда, турли хил инструментал тўпламлардан (пакетлар) фойдаланмайдиган ва фойдаланадиган гуруҳларга бўлишимиз мумкин. Биринчи гуруҳга кирадиган барча маҳсулотларни, уларнинг вазифаларни ечиш имкониятларидан ва бу имкониятлардан тўла фойдаланиш мумкинлигига қараб, бир неча даражаларга бўлиш мумкин

1-даражали

ЕТЛАТни  
яратиш учун  
дастурий  
таъминот

2-даражали

3-даражали

4-даражали



```
graph LR; A[ETLATni yaratish quyidaqi masalalarni echishni taqosa etadi] --- B[ETLATning maqsadini, ob'ektlarini, tarkibini va vazifalarini belgilash]; A --- C[ETLATni yaratishning nazariy asosini tashkil etuvchi konseptsiasini ishlash]; A --- D[ETLATning konseptual asoslari dan kelib chiqadigan, uning elementlarini loyixalashga quyiladigan talablarni aniqlash];
```

**ETLATning maqsadini, ob'ektlarini, tarkibini va vazifalarini belgilash**

**ETLATni yaratishning nazariy asosini tashkil etuvchi konseptsiasini ishlash**

**ETLATning konseptual asoslari dan kelib chiqadigan, uning elementlarini loyixalashga quyiladigan talablarni aniqlash**

**ETLATni yaratish quyidaqi masalalarni echishni taqosa etadi**

## **ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ**

Дунё мамлакатлари амалиёти шуни кўрсатадики Ер тузишда лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимларини (ЕТЛАТ) яратишни географик ахборот тизимларидан (ГАТ) кенг фойдаланмасдан амалга ошириш мумкин эмас.

**ГАТ**

**бу нима ва унинг асосини  
нима ташкил этади?**

## ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

Дунё мамлакатлари амалиёти шуни кўрсатадики Ер тузишда лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимларини (ЕТЛАТ) яратишни географик ахборот тизимларидан (ГАТ) кенг фойдаланмасдан амалга ошириш мумкин эмас.

**ГАТ бу  
нима?**

**Ихтисослашган компьютер тизимлари, ўз ичига дастурий таъминотни ва ҳудудий боғланишга эга, катта ҳажмдаги чизма ва ёзма маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тайёрлаш учун зарур техник воситалар йиғиндиси.**

## ГАТнинг қандай имкониятлари мавжуд?

ГАТлар XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб ривожланиб, кенг тарқала бошлади. Бунга ҳисоблаш техникаси воситаларининг кескин ривожланиши ва баҳоларининг пасайиши, уларга уланадиган кучли маълумотларни киритиш, чиқариш ва қайта ишлаш қурилмаларининг яратилиши замин яратади..

ГАТ турли хил бошқариш ечимларини амалга ошириш бўйича кенг имкониятларга эга. Улар янги маълумотларни йиғиш, бор маълумотларни янгилаш, йиғилган маълумотларни ҳар хил шаклларга айлантириш, уларни кенглик (ҳудуд) ва вақт бўйича таҳлил қилиш, ҳар хил мониторида кўрсатиш ва анъанавий шаклларда (карталар, планлар, жадваллар, чизмалар, графиклар ва бошқ.) чоп этиб олиш имкониятларини беради. объектларни моделлаштириш ва кенгликда жойлаштириш ҳамда олинган натижаларни компьютер мониторида кўрсатиш ва анъанавий шаклларда (карталар, планлар, жадваллар, чизмалар, графиклар ва бошқ.) чоп этиб олиш имкониятларини беради.

**ГАТ қандай  
мажмуа?**

**ГАТ** – бу машина – дастур мажмуаси бўлиб, атроф муҳитни инвентаризациялаш, таҳлил қилиш, моделлаштириш, башоратлаш ва бошқариш билан боғлиқ ҳамда таълим соҳасида тушуниш мақсадида, илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали фойдаланиш учун, аниқ ҳудудга тааллуқли кенгликка боғланган маълумотларни ва бошқа ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, тасвирлаш ва тарқатишни таъминлайди

**ГАТ  
тизимининг  
асосини  
нима  
ташқил  
этади?**

ГАТ тизимининг асосини жойнинг электрон харитаси (плани) ташқил этади. У объектнинг фазода уч ўлчамли жойлашишини тавсифловчи рельефнинг рақамли модели асосида тузилади.

**ГАТ  
таркиби**

**Сизнинг фикрингизча ГАТ  
ўз таркибига қандай ички  
tizimларни олади**



# ГАТнинг таркибий қисмлари



**Маълумотларни  
киритиш  
tizими ўз ичига  
нималарни  
олади?**

Маълумотларни киритиш тизими ўз ичига дастурий блокни олади. Бу блок маълумотларни олишга ва мос техник воситаларга жавоб беради. Техник воситалар жумласига: дигитайзерлар, тасвирларни ўқийдиган ва компьютерга киритадиган сканерлар; электрон геодезия асбоблари тахеометрлар, теодалитлар, нивелирлар); ташқи компьютер тизимлари; фойдаланувчиларнинг киритиш воситалари (клавиатура, сичқон, сенсар экранлари) киради. Ҳар қандай ГАТ икки турдаги маълумотлар базаси билан ишлайди: **чизма ва ёзма.**



**Чизма  
маълумотларни  
киритиш  
tizimлари ўз  
ичига нималарни  
олади?**

Чизма маълумотлар базаси асосини рақамли шаклдаги электрон карталар тизими ташкил этади. Ёзма маълумотлар карталарнинг маълум юкламаларини ўз ичига олади. Улар ҳудудий кенгликларга тааллуқли қўшимча маълумотлар бўлиб, карталарга тўғридан-тўғри туширилиши мумкин эмас (ҳудудларнинг ёзма тавсифлари, ҳисобот ёки меъёрий маълумотлар). Бу икки турдаги маълумотлар базалари махсус форматдаги компьютер файллари бўлиб, уларни ишлатиш учун махсус дастурлардан фойдаланилади. Бу дастурлар маълумотлар базаларини бошқариш тизимлари **(МББТ)** деб аталади. Улар машина хотирасига ёзилган маълумотларни излаш, танлаш, қўшиш ва тузатиш ишларини бажариш имконини беради.

**Маълумотларни  
кўрсатиш,  
қайта ишлаш ва  
чиқариш  
tizimlari ўз  
ичига нималарни  
олади?**

Маълумотларни кўрсатиш  
tizimi монитор экранига  
kartalarni, jadvalarni,  
chizmalarni va boshqa ma'lumotlarni  
chiqarishga mўljalangan.

Қайта ишлаш ва таҳлил tizimi  
ma'lumotlarni mos tarzda guruxlash,  
baholash va ta'hlil qilish imkonini  
beradi.

Chiqarish tizimi har xil  
ma'lumotlarni istemolchiga qulay  
shaklga kelтириб бериш uchun  
mўljalangan. Bu tizimning texnik  
vositalari tarkibiga plotterlar,  
printerlar, multimedia  
projektorlari va boshqa ёзма va  
chizma хужжатларни тайёрлаш ҳамда  
qilingan ish natijalarini  
kўrgazmali namoyish etish imkonini  
beradigan qurilmalar kiradi.

**ГАТ қандай  
соҳаларда  
қўлланилади?**

табiiй ресурслардан фойдаланишда

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини  
ташқил қилишда

ландшафтли режалаштиришда

ер тўғрисидаги маълумотлар тизимида  
(кадастрлар)

атроф муҳит ва ердан фойдаланишда

Экология тизимида

**ГАТ қандай  
соҳаларда  
қўлланилади?**

фавқулотда ҳолатларни таҳлил қилишда

аҳоли пунктларидан ташқаридаги  
ерлардан фойдаланиш

статистика ва моделлаштиришда

ўрмон хўжалиги ва бизнесда

транспортда

таълим ва бошқаларда

**Кенглик маълумотларини ёки охири амалий вазифани моделлаш турига боғлиқ бўлмаган ҳолда ГАТ технологияси қандай устунликларга эга?**

ягона бирлашган маълумотлар модели ҳар хил маълумотларни бошқаришни енгиллаштиради ва ортиқча ишдан қутқаради, бу эса хатолар сони камайишига ва меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келади

оддий ва ўрта мураккаб масалаларни ечиш учун ҳар хил турдаги ҳудудий ва ноҳудудий маълумотларни таҳлил қилиш ва сўровларни киритиш, натижаларни башоратлаш, ечимларни синаб кўриш имконини беради

**ГАТ  
технология  
си қандай  
қандай  
талабларни  
қўяди?**

картографик маълумотларни дигитайзер, сканер, рақамли фотокамера, сичқон ёрдамида киритиш, бошқа тизимлардан файлларни олиш (шу жумладан маълумотлар форматларини алмаштириб), растрли тасвирларни ярим автомат интерактив векторлаш

картографик ва ёзма маълумотлар базасини бошқариш (уларнинг архитектурасини яратиш, картографик ва бошқа объектлар орасида алоқани ўрнатиш, маълумотларни янгилаш, излаш, танлаш); ҳар хил турдаги векторли ва растрли маълумотлар қатламини, юзалар қатламини ва уч ўлчамли объектларни қўллаш

координаталар тизимини ўзгартириш ва картографик проекцияларни эллипсоидда ва шарда ўзгартириш, таянч нуқталари бўйича тасвирларни тузатиш

ўлчашларни ўтказиш (узунликни, майдонларни, периметрларни, объект шакллари тавсифларини ҳисоблаш);

**ГАТ  
технология  
си қандай  
талабларни  
қўяди?**

маълум узоқлик шартларини қониқтирувчи полигонларни қуриш, яқин қўшни полигонларни излаш

кўплаб картографик объектлар устида амалларни бажариш (бўлиш, қўшиш, чиқариш);

тармоқлардаги амаллар: оптимал маршрутларни аниқлаш ва бошқ.

доимий ва вақтинчалик таянч нуқталари тармоқлари асосида юзани қуриш ва уларни таҳлил қилиш

ҳар бир айрим ҳудуд бўйича маълумотлар бутунлигини бузмасдан ва такрорлантормасдан кўплаб ҳудудлар билан (ҳар бири ўзининг ички координаталари кўрсаткичларига эга бўлиши мумкин) ягона координаталар кенглигида бир вақтда келишилган тарзда ишлаш имкониятини таъминловчи, виртуал бирлаштирилган тартибдаги картографик маълумотлар билан ишлаш

## ГАТ технология си қандай талабларни қўяди?

ҳудудларни устма-уст кўп марта тахлаш билан геореляцион маълумотлар базаси архитектурасини қуриш, бу картографик объектдан унинг йирик миқёсли кўриниши ҳисобланган янги ҳудудга ўтиш имконини беради

рақамли фотограмметрия ва стерео тасвирларни РСда қўшиш (кейинчалик стерео тасвирларни яратиш ва биринчи тасвирга олишда юзага келадиган геометрик оғишларни йўқотиш учун стерео жуфтлиги расмларини бирлаштириш; аниқ фотограмметрия масаласи учун автоматлашган тарзда рельефнинг рақамли моделини нисбий ва абсолют координаталар тизимида яратиш ва чизиқли ўлчашларни ўтказиш)

рақамли фотограмметрия ва стерео тасвирларни РСда қўшиш (кейинчалик стерео тасвирларни яратиш ва биринчи тасвирга олишда юзага келадиган геометрик оғишларни йўқотиш учун стерео жуфтлиги расмларини бирлаштириш; аниқ фотограмметрия масаласи учун автоматлашган тарзда рельефнинг рақамли моделини нисбий ва абсолют координаталар тизимида яратиш ва чизиқли ўлчашларни ўтказиш

ёзма ва чизма маълумотларни ҳар хил принтерларда, плоттерларда чиқариш, файллар яратиш, бошқа тизимларга ўтказиш (шу жумладан маълумотлар форматларини ўзгартириб).



**ЕАТ қандай  
вазифани  
бажаради?**

ер тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш асосида ер ресурсларини бошқаришни таъминлаш


ЕАТ назарий жиҳатдан ГАТнинг таркибий қисми ҳисобланиши керак, аммо ўзига хос маълумотларнинг катта оқимини ҳисобга олиб, уларни мустақил тизимларга ажратишади. Шунга қарамасдан, уларнинг имкониятларини кенгайтириш учун махсус дастурий маҳсулотлар яратилган (масалан, *InterLIS*). Улар доимий равишда бу икки тизим орасида ёзма ва чизма маълумотларни алмашиб туриш имкониятини яратади.

**ЕАТ  
фаолияти  
нинг  
асосини  
нима  
ташкил  
этади?**

ЕАТ фаолиятининг асоси кадастр тасвирга олишлари (ерларни инвентаризациялаш) ҳисобланади. Улар ҳудуднинг склетини (масалан, ер эгалиги чегаралари шаклида) ва ҳар хил маълумотлар қатламларини (масалан, ер турлари таркиби, жойнинг рельефи, гидрографияси ва бошқ. бўйича) яратиш имконини беради, бу эса ерлардан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳар хил қарорларни қабул қилиш имкониятини яратади. Бунда кадастр тасвирларга олишлари (ерларни инвентаризациялаш), маълумотлар қатламлари таркибига киритиладиган барча кейинги маълумотларни тўғри боғлашни таъминлайди.

**Маълумотлар  
қатлами  
тушунчаси  
нимани  
англатади?**

бу махсус маълумотлар тўплами бўлиб, маълум мақсадга мўлжалланган ва мос мазмунга эгадир. Улар ёрдамида ҳар хил махсус вазифаларни ечиш, мавзули хариталарни тузиш, ҳар хил ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ лойиҳаларни ишлаш мумкин, фойдаланувчи манфаатларига мос тарзда қатламлар компьютер экранига турли хил кўринишларда чиқарилиши, бирлаштирилиши, плоттерларга чиқарилиши мумкин



## **EAT таркиби қатламлари:**

- 1. чегара тармоғининг таянч нуқталари;**
- 2. ер эгалиklarининг чегаралари;**
- 3. ердан фойдаланиш турлари бўйича районлаштириш маълумотлари;**
- 4. нуқтали / чизиқли объектлар;**
- 5. жойнинг рельефи;**
- 6. географик номи;**

## ЕАТ билан ГАТ ўртасида қандай фарқлар мавжуд?

Ер ахборот тизимлари (ЕАТ) биринчи навбатда ер ресурслари ва ер билан ажралмас боғланган кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади

ЕАТлардаги ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар ўлчашлар аниқлигига, маълумотларни киритиш ва чиқаришга юқори талаблар қўяди

## **ЕАТ билан ГАТ ўртасида қандай фарқлар мавжуд?**

**ЕАТ**нинг умумий таркибига махсус ҳисоблаш мажмуаси, мустақил ички тизим сифатида қуйидаги блоклар киради: автоматлашган хариталаш; автоматлашган лойиҳалаш; маълумотлар базасини бошқариш. Улар рақамли фотограмметрия ва хариталаш воситаларидан фойдаланган ҳолда турли хил миқёсдаги карта ва планларни яратиш билан бирга, ҳар хил геодезик ҳаракатларни (майдонларни ҳисоблаш, масофаларни ўлчаш, координаталарни аниқлаш ва бошқ.) талаб этилаётган аниқликда бажариш имконини беради;

**ЕАТ**ларининг асосий вазифаси ер тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш асосида ер ресурсларини бошқаришни таъминлаш ҳисобланади.

## Ривожланган чет давлатларда турли хил ер тузиш ва ер кадастри масалаларини ечиш учун ЕАТдан қандай фойдаланилади?

ЕАТдан ер участкаларини рўйхатдан ўтказишда, ер участкаси картада кўрсатилганидан кейин у тўғрисида маълумот олиш, ер участкасини ёки объектни унинг тартиб рақами ёки манзили бўйича излаш, юкларни ташишнинг оптимал маршрутларини аниқлаш учун ва ш.ў. фойдаланилади.

Ер ва мулк кадастрларини юритишда ЕАТ районлаштиришда ҳар хил минтақаларни ажратиш, ерларни ва кўчмас мулк объектларини баҳолаш, ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизмини яратиш учун фойдаланилади.

Ер мониторингида бу тизимлардан ер участкаларини паспортлашда, ҳудуднинг экологик ҳолатини баҳолашда, ифлословчи манбаларни аниқлаш ва ҳудудни ифлословчи объектларнинг жойлашувини таҳлил қилишда, ер усти ва ер ости сувларида ва атмосферада ифлословчилар тарқалиши жараёнларини моделлашда, ердан фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни назорат этишда фойдаланилади.

**ЕР АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ МАЪЛУМОТЛАРИ ЕР  
ТУЗИШНИНГ ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИ?**

**план-харита  
материаллари  
ни янгилашда**

**ҳудудда ер  
тузиш  
изланишларин  
и олиб  
боришда**

**ерларни  
чегаралашда (ер  
участкаларининг  
жойларда  
чегараларини  
белгилаш,  
тиклаш ва  
маҳкамлашда)**



**ЕР АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ МАЪЛУМОТЛАРИ ЕР  
ТУЗИШНИНГ ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИ?**

**ер тузишни  
лойиҳалашда  
(хўжаликлараро  
ва хўжаликда ички  
ер тузишда, ишчи  
лойиҳаларда)**

**қишлоқ хўжалиги  
ерларида ер тузиш  
мақсадлари учун  
ҳудудни турли  
мақсадда  
минтақалашда**

**маъмурий –  
ҳудудий  
бўлинмалар  
даражасида  
ердан  
фойдаланиш ва  
уни муҳофаза  
қилишни  
режалашда**

**ЎТИЛГАН МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН  
БЛИЦ САВОЛЛАР:**

- 1. ГАТ тушунчаси нимани англатади?**
- 2. ЕАТ тушунчаси нимани англатади?**
- 3. ЕАТ қандай қатламлардан иборат?**
- 4. ЕАТнинг ГАТдан фарқи нималарда намоён бўлади ?**